Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 26 октябр пайшанба

Сотувда эркин нархда

№ 213 (2510)

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 25 октябр куни Оқсаройда Жаҳон банки вице-президенти Йоҳаннес Линни қабул қилди.

Мазкур халқаро молиявий муассаса Ўзбекистон билан кўпгина соҳаларда самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ҳозирги кунда у билан биргаликда умумий қиймати 500 миллион АҚШ долларигача бўлган тўққизта лойиҳа амалга ошириляпти. Яна қарийб 300 миллион долларлик олтита лойиҳа тайёрланмоқда. Жаҳон банки билан, айниқса, банкмолия тизимини ислоҳ этиш, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, қишлоқ жойлардаги соғлиқни сақлаш муассасаларини тиббий ускуналар билан жиҳозлаш ва шаҳар транспорт тизимини такомиллаштириш борасида фаол ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Банк делегацияси бу галги ташриф чоғида Хоразм вилоятида бўлиб, "Ўзбекистон: тоза сув, санитария ва саломатлик" лойиҳаси объектларини бориб кўрди, вилоятдаги ирригация тизими билан танишди. Яхши маълумки, бу йил нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиё минтақасида ёғин-сочин нисбатан кам бўлганлиги боис, жойларда сув танқислиги сезилди. Жаҳон банки вакиллари табиатнинг бундай инжиқликлари келтириши мумкин бўлган зарарни камайтириш мақсадида, Ўзбекистон ҳукуматига ирригация тизимини такомиллаштириш бўйича ҳамкорликни таклиф этиш ниятида.

Учрашувда Ўзбекистон билан Жаҳон банки ўртасидаги алоқалар кўламини кенгайтириш, хусусан, яқин йилларга мўлжалланган ҳамкорлик стратегияси, янги лойиҳалар тузиш ва амалга ошириш имкониятлари хусусида фикр алмашилди.

(ЎзА).

СУРАТДА: қабул пайти. Муҳаммад АМИН олган сурат.

ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 25 октябр куни Оқсаройда Чехия Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинланган Ярослав Людвадан Ишонч ёрлиғини қабул қилиб олди.

Ўзбекистон-Чехия алоқаларининг бошланиши узоқ йилларга бориб тақалади. Бизга чехларнинг тарихи, маданияти яхши таниш. Президентимиз шу гапларни таъкидлар экан, Я.Людвани шарафли ва масъулиятли вазифага тайинлангани билан табриклади, ишларига муваффақият тилади.

Чехия элчиси, Президентимизга қабул учун миннатдорлик билдирар экан, икки давлат ўртасида иқтисодий, сиёсий муносабатлар ривожи учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилгани, айни вақтда мамлакатимизда ўнлаб Ўзбекистон-Чехия қўшма корхоналари муваффақиятли фаолият кўрсатаётганини таъкидлади.

Дарҳақиқат, ўзаро ҳамкорлик кўлами кенг. Дейлик, Чехиянинг трамвай ва троллейбуслари ўзбекистонликларга яхши таниш. Ҳозирги кунда бундай ҳамкорликни янада ривожлантириш учун яхши имкониятлар мавжуд. Учрашувда ана шу масала томонларнинг диққат марказида бўлди.

* * *

Шу куни Президент Ислом Каримовга Германия Федератив Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинланган Мартин Хекер ҳам Ишонч ёрлиғи топширди.

Ислом Каримов, элчини янги лавозимга тайинлангани билан қутлар экан, Ўзбекистон ҳукумати ГФР билан ўзаро манфаатли асосда алоқаларни янада ривожлантириш масаласига муҳим аҳамият беришини билдирди.

М.Хекер Германия Ўзбекистон билан ҳамкорликдан манфаатдор эканлигини таъкидлар экан, икки томонлама алоқаларни янада ривожлантириш учун куч-ғайратини аямаслигини айтди.

Президентимиз элчига янги вазифада муваффақият тилади.

Ўзаро суҳбат чоғида Ўзбекистон-Германия муносабатларига оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА).

"Миллий истиқлол ғояси: Асосий тушунча ва тамойиллар"

"Миллат бор экан, миллий давлат бор экан, унинг мустақиллиги ва эркинлигига таҳдид соладиган, уни ўз таъсирига олиш, унинг устидан ҳукмронлик қилиш, унинг бойликларидан ўз манфаати йўлида фойдаланишга қаратилган интилиш ва ҳаракатлар доимий хавф сифатида сақланиб қолиши муқаррар.



Шу маънода, бундай хавф-хатарларга қарши асосий қурол сифатида юртимизда яшаётган ҳар бир инсон, аввало, униб-ўсиб келаётган янги авлоднинг ҳар томонлама баркамол, иродаси бақувват, иймони бутун бўлиб вояга етиши учун кенг жамоатчилик ва аҳолимиз ўртасида маънавий-маърифий фаолиятимизни юксак даражага кўтаришнинг аҳамияти беқиёсдир".

"Ўзбекистон" нашриётида чоп этилган "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" номли рисола Президентимиз Ислом Каримовнинг бугунги ҳаётимиз, келажак тараққиётимиз учун ғоятда долзарб аҳамиятга эга бўлган ана шу сўзлари билан бошланади.

Рисола Президент Ислом Каримовнинг асарлари, маъруза ва нутқлари, чиқишларида билдирилган миллий истиқлол ғояси ва мафкурасининг устувор тушунча ва тамойиллари ҳақидаги фикрлари асосида тайёрланган. Беш қисмдан иборат бўлган бу рисолада миллий ғоя ва мафкура тушунчалари, уларнинг халқлар ва давлатлар тарихига таъсири, глобаллашув жараёнлари кечаётган ҳозирги шароитда мафкуравий сиёсатнинг ўрни, Ўзбекистоннинг миллий истиқлол ғояси, унинг асосий тамойилларини халқимиз, аввало, ёш авлод қалби ва онгига сингдириш каби масалалар мухтасар тарзда баён этилган.

Китобда халқни буюк келажак ва улуғвор мақсадлар сари бирлаштириш, мамлакатимизда яшайдиган, миллати, тили ва динидан қатъий назар, ҳар бир фуқаронинг ягона Ватан бахт-саодати учун доимо масъулият сезиб яшашига чорлаш, аждодларимизнинг бебаҳо мероси, миллий қадрият ва анъаналаримизга муносиб бўлишига эришиш, юксак фазилатли ва комил инсонларни тарбиялаш, уларни яратувчилик ишларига даъват қилиш, шу муқаддас замин учун фидойиликни ҳаёт мезонига айлантириш — миллий истиқлол мафкурасининг бош мақсади экани таъкидланади.

Рисола мактаблар, лицей ва коллежлар, олий ўқув юртларининг ўқитувчилари, олим ва мутахассислар, шунингдек, бошқа таълим-тарбия, маданий-маърифий муассасалар ходимларига маъруза ва суҳбат матнлари, дарслик ва қўлланмалар тайёрлаш, дастурлар тузиш учун асосий манба сифатида тавсия этилади.

Ўзбекистон Файласуфлари миллий жамиятининг ишчи гуруҳи томонидан тайёрланган ушбу рисолада миллий истиқлол ғоясининг барча илмий-назарий муаммоларини батафсил ёритиш мақсади қўйилмаган. Бинобарин, мазкур масалаларни ҳар томонлама чуқур ўрганиш, уларнинг маъно-мазмунини кенг очиб бериш, бу борада илмий изланиш ва тадқиқотлар олиб бориш, махсус дарслик ва қўлланмалар яратиш - ижтимоий фан соҳаси мутахассисларининг вазифасидир.

(ЎзА).

«Пахта — 2000»

Учқўрғон тумани пахтакорлари зафар маррасига етиб келдилар. Давлат қабул пунктларига 37150 тонна юқори сифатли хомашё етказиб берилди.

Учқўрғонликлар галабаси

Қудратилла Нажмиддинов,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ислоҳотлар изчил амалга оширилганлиги, хусусан, пахта майдонлари 4612 оилавий пудратчига бўлиб берилганлиги, фермер хўжаликларида мулкка эгалик ҳисси тўла шаклланганлиги эришилган муваффақиятларнинг бош омили бўлди. Буни ҳар гектар майдондан 42-55 центнердан ҳосил саранжомлаган Фозилжон Мадаминов, Саодат Деҳқонова, Сожида Ботирхонова сингари тажрибали пудратчилар фаолияти мисолида яққол кўриш мумкин.

Жами ҳосилнинг 90 фоизини биринчи навга сотган туман пахтакорлари икки миллиард сўмдан ортиқ даромад олишни мўлжаллашмоқда.

● Шартномавий муносабатлар қандай бажарилмоқда?

МУҲИМ стратегик вазифа

— мулкдорлар синфини яратиш ва тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган қонунлар ижросини таъминлаш

— Ўша йиғилишда республика раҳбарияти томонидан вазирлигимиз олдига қўйилган вазифалардан келиб чиқиб, шартномавий муносабатларни тартибга солишдаги ўз фаолиятимизни қайта кўриб чиқдик, — деди у. — Асосий эътибор ширкат хўжаликлари билан оилавий пудратчилар, фермер хўжаликлари билан тайёрлов, хизмат кўрсатувчи корхоналар ўртасидаги шартномалар тузилишининг қонунийлиги ҳамда ижросини таъминлашга қаратилди. Бу борада алоҳида буйруқ қабул қилиниб, адлия идораларининг вазифалари аниқ белгилаб берилди.

Айни чоғда оилавий пудратчилар ва фермерларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласи ҳам диққат-эътиборимизда бўлди.

Ширкат хўжаликлари ва пудратчилар, фермерлар ва тайёрлов, хизмат кўрсатувчи корхоналар ўртасида шартномаларни сифатли ва маълум қоидаларга риоя қилган ҳолда тузиш, мазкур шартномалар учун томонларнинг жавобгарлигини жой-жойига қўйиш ўта муҳим масала. Бироқ, афсуски, бу борада ҳали-ҳануз хато ва камчиликлар кўзга ташланмоқда. Айни шу сабаб пудратчиликнинг бош тамойили — пировард натижа учун моддий жавобгарлик ва рағбатлантириш шарти бажарилмасдан қолаяпти. Бу эса охир-оқибатда қишлоқда ижтимоий ислоҳотларни чуқурлаштиришга тўсиқ бўлаётир. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил биринчи ярми якунларига бағишланган мажлисида бундай хато ва камчиликлар танқид қилинган эди.

Ўтган даврда уларга барҳам бериш юзасидан қандай ишлар қилинди? Адлия вазирлиги ўз зиммасига юклатилган вазифа — тадбиркорларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишдек вазифани қай даражада бажармоқда?

«Халқ сўзи» мухбири адлия вазири Абдусамад ПОЛВОНЗОДА билан учрашиб, ана шу саволларга жавоб беришни илтимос қилди.

Жойлардаги вазиятни ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, оилавий пудратчиларга шартнома асосида чек дафтарчаси берилиши, унинг юритилиши талаб даражасида эмас. Масалан, Жиззах вилояти Ғаллаорол туманидаги Худоёров номли ширкат хўжалигида ҳанузгача пудратчиларнинг маҳсулот етиштириш учун кетадиган харажатлари ҳисоб-китобини олиб борадиган чек дафтарлари юритилмаган. Ширкатда табелларни тўлдириб, нарядлар юритиш давом этмоқда. Ҳатто ширкат аъзоларига мулкий пай гувоҳномалари берилмаган. Бундай ҳолда деҳқон қандай қилиб ўзини мулк эгаси сифатида ҳис эта олади?

— Оилавий пудратчилар ва фермерлар олдидаги шартнома мажбуриятларини бажармаган, шартнома интизомининг бузилишида айбдор деб ҳисобланган, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига зид бўлган ҳар бир факт бўйича мансабдор шахслар жавобгарликка тортилиши муқаррар, шундай эмасми? Бу борада адлия идоралари томонидан қандай чора-тадбирлар кўрилаяпти?

— Аввало, оилавий пудратчилар ва фермерларнинг шартнома мажбуриятлари бажарилмаслиги оқибатида ўзларига етказилган моддий ва маънавий зарарни, бой берилган фойдани ундиришни сўраб судларга даъво аризалари билан чиқишлари йўлга қўйилди. Бунда, энг муҳими, пудратчи ва фермерларга етказилган маънавий зарарни айнан айбдор ширкат хўжалиги раҳбари, тайёрлов ва хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг мансабдор шахслари чўнтагидан ундириш принципи қўлланилмоқда.

— Буниси зўр бўлибди! Шу ўринда аниқ мисолларни келтира оласизми?

— Албатта. Ўтган давр мобайнида шартномавий муносабатлар бўйича адлия идоралари томонидан хўжалик судларига жами 126 миллион сўмликдан ортиқ 307 та даъво аризаси киритилди. Шундан 97 миллион сўмлик 107 та даъво аризаси фермер хўжаликлари,

(Давоми 2-бетда).

Олий Мажлисда

Қонун ижроси назоратда

Кеча Олий Мажлис Иқтисодиётни ислоҳ қилиш масалалари ва тадбиркорлик қўмитаси ҳузурида ташкил этилган ишчи гуруҳининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда республика товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси томонидан «Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палаталари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг ижро этилиши тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Мажлисни қўмита раиси М. Умаралиев олиб борди.

Кун тартибидаги масала юзасидан республика Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раиси М. Собировнинг ахбороти тингланди.

Депутатлар ишчи гуруҳи томонидан мазкур Қонуннинг ижросини ўрганиш жараёнида бир қатор муаммо ва камчиликлар мавжудлиги аниқланди. Палата кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш соҳасида доим ҳам қатъий ва изчил фаолият кўрсатмаётир. Жорий йилнинг 1 октябр ҳолатига кўра республика бўйича рўйхатдан ўтган 177996 та кичик ва ўрта бизнес корхоналаридан атиги 92153 таси ёки 51,8 фоизигина палата аъзолигига қабул қилинган, холос. Қолганлари эса палатанинг таъсир доирасида эмас.

(Давоми 2-бетда).

Мамлакатимизда

Ўзбек каштаси — Лондон музейларида

Тасаввур қилинг, Лондон кўчаларини сайр қилиб юриб, ногоҳ кўзингиз халқ амалий санъати музейига тушди. Табиийки, қизиқасиз. Ва, ногоҳон нозик дид билан тикилган каштаси, гилофу рўмолчалар эътиборингизни тортади. «Яшасин, инглиз аёллари! Бизнинг ўзбек аёлларимиз сингари уларнинг ҳам қўли гул экан-да», дейсиз беихтиёр. Унинг ёрлиғидаги: «Ўзбекистон. Нукус. «Халқ хазинаси» маркази», деган ёзувни кўриб кўксингиз тоғдек юксалади.

Мустақиллик туфайли ўзбегу қорақалпоқ аёллари тикkан каштаслар Оврупани ҳам забт эта бошлаганидан фахрланасиз.

«Туркистон-пресс» мухбирининг эътирофича, «Халқ хазинаси» маркази «Британия кенгаши» ажратган кредит сабаб, фаолият доирасини янада кенгайтирди. Бу нукуслик чеварларнинг хорижликлар билан илк ҳамкорлиги бўлмагани каби, сўнггиси ҳам эмас.

Марра — 10 миллион сўм фойда

Навоий вилояти Қизилтепа тумани Қ.Қобилов номли ширкат хўжалигининг консерва тайёрлаш цехида меваларга қайта ишлов берадиган технологик линиялар тўхтовсиз ишламоқда.

Жорий йилда истеъмолчиларга уч миллион банка томат пастаси, мураббо ва шинни етказиб беришни режалаштирган ушбу цехда мавсум давомида ўн минг тонна маҳсулот қайта ишланади. Корхона ишчилари фақатгина деҳқонлар етказиб берадиган маҳсулот билан чекланиб қолаётгани йўқ. 30 гектар майдонда узум, шунингдек, яна 40 гектар ерда мева ва сабзавотлар, бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилмоқда.

Корхонада йил охиригача 10 миллион сўм соф фойда олиш кўзда тутилмоқда

Мутахассисларга енгиллик

Куни кеча «Ҳужжатлар. Архив атамалари изоҳли луғати» китоби нашрдан чиқди.

1993 йил Қомуслар бош таҳририятида «Архив ишига доир русча-ўзбекча қисқача изоҳли луғат» нашр этилган эди. Ушбу луғат 400 та атамани қамраб олган эди. Вақт ўтиши билан луғатнинг янги тўлдирилган нашрига эҳтиёж сезилди. 900 дан ортиқ атамани ўз ичига олган янги нашр расмий иш юритишда, бошқарув соҳасидаги мутахассисларга мўлжалланган.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

Чоршанба хабарлари

Янгиликлар, воқеалар, фактлар

Меҳр чегара билмайди

Савобнинг таги раҳмон, дейишади. Аслида, мамлакатимизда савоб ишларга бош бўлиш мақсадида ташкил этилган «Соғлом авлод учун» жамғармаси хайрли ишга хорижлик ҳамкорларни кенг жалб этмоқда. Кеча, пойтахтимиздаги 327-болалар боғчаси тарбияланувчилари ана шундай мурувватдан баҳраманд бўладилар. Япония элчихонаси томонидан тақдим этилган кунчиқар мамлакатнинг миллий ўйинчоқлари, кийимкечаклар, турфа совғалар болажонларимизнинг қувончига қувонч қўшди.

Мавжуда ХОЛМАТОВА, «Халқ сўзи» мухбири.

Пойтахтда

Клинтоннинг ташаббуси

АҚШ Президенти Билл Клинтоннинг маълум қилишича, Яқин Шарқдаги тинчлик жараёнларини ўрнатиш масаласи бўйича Исроил Бош вазири Эҳуд Барак ва Фаластин раҳбари Ёсир Арофат ўртасида қайтадан алоҳида-алоҳида музокаралар ўтказилиши зарур. Оқ уй раҳбарининг айтишича, ўтказилажак мулоқотлар минтақада бир неча ҳафтадан буён давом этиб келаётган хунрезликларга чек қўйиши мумкин. Шунингдек, Б.Клинтон Е.Арофат билан телефон орқали сўзлашиб, Фаластин раҳбарини яқинда бўлиб ўтган Миср келишувларини жиддий қўллаб-қувватлашга чақирди.

Янги президентнинг сафари

Россия расмийларининг хабар беришича, эртага Югославиянинг янги президенти В.Коштуница расмий ташриф билан Москвага келади. Сафар давомида унинг Россия президенти Владимир Путин ва ташқи ишлар вазири Игорь Иванов билан учрашуви мўлжалланган. Ёдингизда бўлса, бундан бир муддат илгари Россия Ташқи ишлар вазирлиги Югославиянинг янги раҳбариятига мурожаат қилиб, мамлакатни парокандаликка юз тутишига йўл қўймасликка чақирган эди. Мазкур даъват Югославиядан Черногория ва Косовони мустақиллик талаб қилаётган даврига тўғри келган эди. Хабарларга қараганда, ўзаро мулоқотлар чоғида шу масала хусусида ҳам фикр алмашилади.

«Дисковер» икки кун кечикди

Америкининг «Дисковер» фазо кемаси ўн уч кунлик коинотдаги парвозидан кейин яна ерга келиб кўнди. Мутахассисларнинг маълум қилишича, кўниш еридаги кучли шамол таъсирида икки кунга кечиккан «Дисковер»нинг бу галги учиши АҚШ космик кемаларининг кўп мартали парвозлари орасида юзинчисидир. Етти кишилик экипаж парвоз давомида очиқ фазога чиқишга ҳаракат қилиб кўрган.

400 миллионлик товон

Австрия ҳукумати иккинчи жаҳон урушидан азият чеккан оилаларга товон пули тўлаш ҳақидаги ҳужжатга имзо чекишни мўлжалламоқда. Маболо ушбу ҳужжат кучга киргудек бўлса, мамлакат азият чеккан деб топилган оилаларга 400 миллион АҚШ доллари тўлайди. Хабарингиз бор, бундан аввал Германия ҳукумати ҳам худди шундай ҳужжатга имзо чеккан эди.

«Интернет» хабарлари асосида тайёрланди.

Курраи заминда

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида

2000 йил 25 октябр куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни комиссия раиси Нажмиддин Комилов олиб борди.

Мажлисда бўшаб қолган ўринларга шу йил 22 октябр куни ўтказилган Олий Мажлис депутатлари сайловининг якунлари кўриб чиқилди. Овоз беришда 128-Гулистон сайлов округида сайловчиларнинг 97,1 фоизи, 141-Жарқўрғон сайлов округида 94,7 фоизи, 160-Паркент сайлов округида 89,2 фоизи, 171-Чиноз сайлов округида 89,0 фоизи, 174-Бешариқ сайлов округида 99,2 фоизи, 189-Сўх сайлов округида 96,7 фоизи иштирок этди.

Марказий сайлов комиссияси мазкур округ сайлов комиссияларининг овоз бериш натижалари тўғрисидаги баёнларини кўриб чиқиб, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 11- ва 46-моддаларига мувофиқ, 128-Гулистон сайлов округидан халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгашидан кўрсатилган Гулноз Латиповани, 141-Жарқўрғон сайлов округидан халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашидан кўрсатилган Бахтиёр Олимжоновни, 160-Паркент сайлов округидан Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партиясидан кўрсатилган Беҳзод Йўлдошевни, 171-Чиноз сайлов округидан Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партиясидан кўрсатилган Маҳамаджон Юсупов (Муҳаммад Юсуф)ни, 174-Бешариқ сайлов округидан халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгашидан кўрсатилган Алишер Отабоевни ва 189-Сўх сайлов округидан Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан кўрсатилган Джамшед Сайфиддиновни Олий Мажлис депутатлари этиб рўйхатга олиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Азиз муштарий! Сизга хуш кайфият тилаган ҳолда газетамиз учун обуна давом этаётганлигини маълум қиламиз.

Қонун ижроси назоратда

(Давоми. Боши 1-бетда).

«Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палаталари тўғрисида»ги Қонуннинг 3-моддасида палатанинг асосий вазифалари аниқ белгилаб берилган бўлса-да, уларнинг ижроси тўлиқ таъминланмаяпти. Жумладан, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида юзага келадиган низоларни ҳал этиш, кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш механизми ишлаб чиқилмаган, уларнинг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш чора-тадбирлари кўрилмаётир.

Кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик корхоналарини давлат рўйхатидан ўтказишда ҳам камчиликлар мавжуд. Масалан, Хоразм вилояти статистика бошқармасининг маълумотига кўра, 2000 йил 1 июлигача 8249 та кичик ва ўрта бизнес корхоналари рўйхатдан ўтган бўлса-да, шундан 2113 таси, яъни 25,6 фоизи ўз фаолиятини бошламаган. Тошкент шаҳрида кичик ва ўрта бизнес вакилларига, хусусий тадбиркорлик субъектларига етарли шарт-шароит яратилмагани сабабли ҳисобот даврида 3055 та корхона тугатилган, 11218 та корхона эса умуман ишламаяпти.

Самарқанд вилоятида ҳам худди шундай аҳволни кўриш мумкин. Жорий йилнинг 1 октябр ҳолатига кўра, палатага 22374 та кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик субъектлари ариза билан мурожаат қилган. Айни кунда шундан 5075 таси фаолият кўрсатмаяпти, 957 таси эса тугатилган. Умуман, тўққиз ой мобайнида турли сабаблар билан республикада 11 мингдан зиёд кичик ва ўрта бизнес корхоналари ўз фаолиятини тўхтатганлиги ачинарли ҳол эмасми?

Тадбиркорларни рўйхатга олишда ҳам муайян камчиликлар мавжуд. Маҳаллий ҳокимиятларнинг статистика бошқармалари билан палаталар ва солиқ органлари юритаётган ҳисоботлар ўртасида фарқ катта бўлиб, бунинг сабаби статистика ҳисоботларида тадбиркорлик субъектлари тўғрисида аниқ маълумот йўқлигидадир.

Қўмита йиғилишида кўрилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз.

ХХР Олий халқ прокуратураси ҳамда Осиёда жиноятчиликнинг олдини олиш жамғармаси таклифига биноан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Р.Қодиров раҳбарлигидаги делегация Хитой сафарида бўлди.

ПРОКУРАТУРАЛАР ҲАМКОРЛИГИ

Мамлакатимиз делегацияси у ерда мазкур жамғарма томонидан ташкил этилган халқаро конференцияда қатнашди. Етмишдан зиёд мамлакатдан олти юзга яқин вакил иштирок этган ушбу анжуманда соҳанинг ҳозирги кундаги долзарб муаммолари муҳокама этилди.

Ташриф асносида Ўзбекистон Бош прокурори Хитой Олий халқ прокуратураси Бош прокурори Хон Чжубин билан музокара ўтказди. Х.Чжубинда Ўзбекистонда террорчилик, экстремизм, халқаро уюшган жиноятчиликка қарши кураш борасида тўпланган тажриба катта қизиқиш уйғотди. Учрашув якунида икки мамлакат прокуратуралари ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди.

Ўзбекистон делегацияси аъзолари Пекиндаги халқаро конференция доирасида Болгария, Тожикистон, Россиядан келган ҳамкасблари ҳамда Осиёда жиноятчиликка қарши кураш жамғармаси раҳбарияти билан амалий учрашувлар ҳам ўтказди. Шунингдек, Сиан ва Фучжоу шаҳарларида бўлиб, маҳаллий прокуратуралар фаолияти билан танишди.

ЎзА.

Долзарб мавзуга бағишланди

Сурхондарё вилоят ҳокимлигида бўлган йиғилишда Вазирлар Маҳкамасининг "2000 йил пахта ҳосилини йиғиштириб олишни тугаллаш ва 2001 йил ҳосили учун агротехника тадбирларини ўз вақтида ўтказишга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорини бажариш юзасидан аниқ вазифалар белгилаб олинди.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков бошқарди.

Таъкидланганидек, хўжаликлар раҳбарларининг масъулиятсизлиги, меҳнат интизомининг бўшаштириб юборилганлиги, талабчанлик етишмаслиги, камчиликларга муросасозлик оқибатида бу йил вилоятда пахта йиғим-терими жуда суст бормоқда.

Кўпгина хўжаликларда пахта етиштириш агротехник талабларига, нав танлаш қоидаларига риоя этилмаяпти, сувдан ва минерал ўғитлардан бошқа мақсадларда фойдаланиш авж олган, ерни талон-тарож қилиш ҳоллари мавжуд. Бунинг натижаси ўлароқ, вилоятда пахтачиликдан кўзланган ҳосил етиштирилмаган. Айни пайтда йиғим-терим мавсумини ташкил этиш ҳам қониқарсиз аҳволда. Ангор, Қумқўрғон, Жарқўрғон, Музработ, Шўрчи туманларида йиғим-терим ишлари умуман талабга жавоб бермайди.

Шунингдек, йиғилишда кузги дон экишни белгиланган муддатда ва сифатли амалга ошириш, пахта йиғим-теримини ноябр ойи ўртасига қадар якунлаш, ерларни сифатли шудгорлашни белгиланган муддатларда амалга ошириш юзасидан мутасадди раҳбарларга топшириқлар берилди.

Чори ТЎХТАЕВ,
ЎзА мухбири.

* * *

Урганчда бўлиб ўтган йиғилишда Хоразм вилояти пахта майдонларида юзага келган вазиятни ҳал этиш учун кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар муҳокама қилинди. Унда шаҳар ва туман ҳокимлари, агросаноат мажмуига хизмат кўрсатувчи уюшмалар ва акциядорлик жамиятлари, банклар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, қатор олий ва ўрта махсус ўқув юртлари раҳбарлари иштирок этди.

Яқинда Оқсарой қароргоҳида Президент Ислом Каримов раислигида бўлиб ўтган мажлисда сув тақчиллиги билан боғлиқ бўлган қийинчиликлар кўпчилик вилоятларда бу йилги қишлоқ хўжалик мавсумини мураккаблаштиргани қайд этилган эди. Бу қийинчиликлар, айниқса, Амударё этагидаги экин майдонларига, шу жумладан, пахта майдонларига салбий таъсир кўрсатди. Бу тўғрида пахтачилик муаммолари муҳокамасида бир неча бор гапирилиб, ҳукумат минтақада мисли кўрилмаган кескин ва узоқ давом этган сувсизлик оқибатларини бартараф этиш учун бир қанча чора-тадбирлар қабул қилди. Аммо ушбу объектив қийинчиликлар кўплаб камчиликлар, аввало ташкилий соҳада нуқсонлар мавжудлигини кўрсатди. Айрим хўжалик ва туманларда мўлжалдаги ҳосил етиштирилмаганини кўп жиҳатдан ана шундай сабаблар билан изоҳлаш мумкин. Ҳолбуки, вилоятда ўнлаб ширкатлар, юзлаб бригада ва пудрат звенолари шартномавий мажбуриятларни ўз вақтида адо этишга муваффақ бўлди.

Йиғилишда қишлоқ хўжалиги экинлари, шу жумладан, пахта пайхон этилишига йўл қўймаслик зарурлиги тўғрисида ҳам гапирилди. Ҳар бир шундай ҳолатга нисбатан қатъий баҳо берилиши зарур. Зеро, пахта миллий бойлигимиз, мамлакат валюта захираларини тўлдиришнинг асосий манбаи ҳисобланади.

Шунингдек, ерларни кузги шудгорлаш, бошқа дала ишларини ўз муддатида ўтказиб, бўлғуси ҳосилга замин тайёрлаш чора-тадбирлари муҳокама этилди.

Йиғилишда Хоразм вилояти ҳокими И.Бобожонов маъруза қилди.

Т.ШАМАКОВ,
ЎзА мухбири.

Буюк Британияда малака оширишяпти

Республикамиз вилоятларининг молия бошқармалари раҳбарларидан йигирма нафари Буюк Британияда малака оширмоқда. Молиячилар икки ҳафта давомида Бирмингем университетининг жамият қурилиши мактабида малака оширадилар.

Мазкур ўқув курсини ўтказишдан мақсад молия тизимидаги устувор янгиликлардан хабардор бўлишдир.

Буюк Британиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ташаббуси билан ташкил этилган ушбу ўқув курси молиячиларга асқотади, деган умиддамиз.

Ўз мухбиримиз.

МАТБААЧИЛИКДА ЯНГИЛАНИШЛАР БЎЛАДИМИ?

Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида матбаа маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва мазкур соҳада қўлланилаётган техникани такомиллаштириш ва янги технологияларни ўзлаштириш масалаларига бағишланган халқаро семинар бўлиб ўтди. Унда Канада ва АҚШдаги матбаа ускуналарини ишлаб чиқарувчилар уюшмаси ("NPES") раҳбарияти ҳамда республикамизда матбаачилик соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва фирмалар вакиллари иштирок этди.

Ўз таркибида 450 компанияни бирлаштирган "NPES" мазкур соҳа учун зарур техникавий воситалар ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш билан шуғулланади. Унинг вакиллари ўтган йили ҳам мамлакатимизга ташриф буюрган эди. "NPES"нинг мақсади Ўзбекистон матбаачилари билан яқин ҳамкорлик ўрнатиш, шу орқали минтақамиз бозорида муқим ўрин топишдир.

Анжуманда "NPES" вакиллари қатнашчиларни АҚШ ва Канада матбаачилик бозоридаги ўзгаришлар, соҳада қўлланилаётган замонавий техника ва технологиялар, қўлга киритилаётган ютуқлар билан таништирди, ўзаро ҳамкорлик истиқболлари ҳақида сўзлади. Кейин соҳа муаммолари бўйича баҳс ва мунозаралар бўлди.

(ЎзА).

Акция даромад берди

«Жомбойдон» ҳиссадорлик жамияти вилоятдаги энг илғор корхоналардан бири ҳисобланади. Корхона акциядорлари ўтган йил натижаларига кўра ҳар бир акцияга 330 сўмдан қўшимча ҳақ олишди.

Жорий йилнинг 9 ойи мобайнида ҳам жамият аъзолари 35 минг 887 тонна ун, 352 тонна макарон, 26 минг 615 тонна омухта ем ишлаб чиқардилар. Шунингдек, жамиятга қарашли иккита корхонада қарийб 3 минг 759 тонна уруғлик ғалла деҳқонларга тайёрлаб берилди. Бундан ташқари корхонанинг ёрдамчи хўжалигида қорамол, парранда, қўй-қўзи ва чўчқа парвариш қилинмоқда. Маҳсулоти эса ишчи ва хизматчиларга бўлиб берилади.

СУРАТЛАРДА: корхона кўриниши; омухта ем тайёрлаш цехи ишчиси Роҳила Маҳсумова ва цех бошлиғи Нормамат Ҳайдаров.

Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган суратлар.

• Жиноятга жазо муқаррар

Фош этилган «кашфиёт»

Шуҳрат РЎЗИЕВ,
ИИВ Матбуот маркази катта инспектори.
Эркин МАВЛОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Рангли металлар парчалари ва чиқиндиларини ўғирлаш ҳамда четга ноқонуний олиб чиқиб, мўмай даромад орттириш илинжида айрим кимсалар турли ҳийла-найрангларни ишга солишаяпти. Аммо ички ишлар ходимларининг синчковлиги туфайли уларнинг пайи қирқилмоқда.

Яқинда Сирдарё вилояти ички ишлар бошқармаси давлат автомобиль назорати ходимлари нопок мақсад билан йўлга чиққан, давлат белгиси 97-69 КФМ бўлган, Қашқадарё вилоятининг Чироқчи туманида яшовчи Эрназар Бердиёров бошқарувидаги «КамАЗ» русумли юк автомашинасини тўхтатиб текширдилар. Сиртдан қараганда чорва моллари ортилган машина гўёки қўйларни сотиш учун олиб кетаётгандек туюлади. Бироқ машина юкхонаси синчковлик билан текширилганида кузовнинг юқори қисмида хуфёна ясалган махсус жой бўлиб, у ерга 2 тоннага яқин рангли металл чиқиндилари яширилганлиги маълум бўлди.

Жиззахлик давлат автомобиль назорати ходимлари ҳам давлат белгиси 48-70 СНМ бўлган, Самарқанд шаҳридаги автокорхоналардан бирига тегишли Баҳодир Очилов бошқарувидаги «КамАЗ» русумли юк автомашинасини текширганларида бўш шиша идишлари остига рангли металл чиқиндилари яширилганлигини аниқладилар. Шу воқеадан кўп ўтмай йўлда келаётган иккита РАФ русумли машина ходимлар эътиборини тортди. Улар янглишишмаган эди. Ҳайдовчилар Райим Раҳимов ва Шовқиддин Мансуровларнинг йўловчилар билан биргаликда 1,5 тоннага яқин металл парчаларини олиб кетаётганлиги очилиб қолди.

Ургут тумани Акромобод жамоа хўжалигида яшовчи Ҳасан Худойбердиев давлат белгиси 14 А 6379 рақамли «КамАЗ»ига 8 тонна рангли металларни карам тагига яширганида ўз ақлига ўзи қойил қолган бўлса ажабмас. Лекин, Ҳасаннинг бу «кашфиёт»ини Самарқанд тумани «Ғалаба» жамоа хўжалиги ҳудудидаги ДАН ходимлари фош этишди. Юк эгаси эса ҳайдовчининг қишлоқдоши Илҳом Шодиев экан. Ўша куни улар билан бирин-кетин келиб қолган деновлик Муҳаммад Собиров ва ургутлик Санжар Саидбоевларнинг «ишбилармон»лигининг ҳам миси чиқди. Улар ҳам 46-48 СДМ давлат белгили «КамАЗ» машинасига ортилган майизнинг остига яширилган 8 тонна рангли металлни «хазм» қилишмоқчи бўлишган экан.

Иштихонда ҳам металл ўғирлиги билан боғлиқ бир қатор жиноятлар фош этилди. Яқинда Мурод Жўраев номли жамоа хўжалигининг «Аъзам ўрта баланд» фермер хўжалиги ҳудудида тортилган 2 минг 600 метр мис симлари ўғирланганди. Олиб борилган тезкор тадбирлардан сўнг ўғирликни мазкур жамоа хўжалигининг Бодай қишлоғида яшовчи Асомиддин Эрнафасов содир этганлиги аниқланди. Олинган далилий ашёлар Асомиддинни қилмишига иқрор бўлишга мажбур қилди.

Олтиариқлик Бахтиёр Тешабоев, Валижон Хожиев, Анвар ҳамда Азизжон Қодировлар Фарғона телеком очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятига қарашли симлардан 4 минг метрини кесиб олишни режалаштиришганди. Ўғрилар ўша келишувга кўра ярим кечаси ғайрат қилиб симларни кеса бошлашди. Шу онларда уларнинг кайфиятлари ниҳоятда шод эди. Лекин бу аъло кайфият узоққа чўзилмади. Милиция ходимлари электр симларининг кўпчилик учун хизмат қилишини эслатиб қўйишди.

Шунингдек, Ўзбекистон туманининг Каримдевона қишлоғидан ўтган «Ховос-Фарғона» магистрал газ қувурларини назорат қилиш тармоғига қарашли симёғочлардан ҳам 4 минг метрга яқин ҳажмдаги симлар номаълум шахслар томонидан ўғирлаб кетилгани маълум бўлгач, ушбу ўғирликда гумон қилинган уч фуқаро қўлга олинди. Гумон тўғри бўлиб чиқди. Чунки мазкур кимсалар — Хусанбой Саттаров, Одилжон ва Отабек Усмоновлардан 300 метр ҳажмдаги симлар далилий ашё сифатида олинди.

Қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан кейин ҳам чиқади, дея бежиз айтишмаган. Қолаверса, ўғирликлар содир этиб, аҳоли яшаш жойлари муассаса ва корхоналарни электр нуридан бебаҳра қолишига сабабчи бўлаётган кимсалар эл нафратига учрайди. Нафс балосига учраган бундай кимсаларнинг тақдири гоҳо аянчли якун топмоқда. Масалан, Фарғона туманидаги Чекшура қишлоғи фуқароси Нуриддин Ураимов электр симларини ўғирлаш мақсадида ярим кечаси Бобур номли жамоа хўжалиги ҳудудидаги симёғочдан электр симини кесиб олаётганида юқори кучланишли ток уриб, ҳаётдан кўз юмди. Худди шундай симёғочга чиқиб рангли металл ўғирламоқчи бўлган яйпанлик Носир Абдуллаевнинг тақдири ҳам аянчли якунланди.

Нопоклик, халқ мулкига хиёнат ҳеч қачон яхшилик келтирмаган. Қинғир йўлга кирган одам, албатта, қилмишига яраша жазосини олади.



ЎЗБЕК ТЕАТР САНЪАТИНИНГ ЭЪТИРОФИ

Б. МАНСУРОВ,
ЎзА мухбири.

Германиянинг Мюльхайм шаҳрида 15-24 октябр кунлари "Ипак йўли — театр саёҳати" лойиҳаси доирасида Марказий Осиё мамлакатлари театр жамоаларининг фестивали бўлиб ўтди. Машҳур "Ан дер Рур" театри саҳнасида ўтказилган анжуманда Ўзбекистондан Йўлдош Охунбобоев номидаги Республика ёш томошабинлар театри "Боз масхарабоз" ва Қарши шаҳридаги "Эски масжид" театр-студияси "Қобил ва Ҳобил" спектакллари билан қатнашди.

— Фестивалда ўзбек театри кунлари жуда мароқли ўтди, — дейди Маданият ишлари вазирининг ўринбосари, "Ўзбектеатр" бирлашмаси бош директори Муҳаммадали Абдуқундузов. — Анъанавий масхарабозлик йўлларида саҳналаштирилган "Боз масхарабоз" спектакли давомида залда шундай бир қувноқ кайфият ҳукмрон бўлдики, бу албатта актёрларга ўз таъсирини ўтказмасдан қолмади ва улар спектаклни юксак кўтаринки руҳда ижро этишди. Қаршилик санъаткорлар ижросидаги "Қобил ва Ҳобил" спектакли ўзининг чуқур фалсафий маъноси билан немис томошабинини мушоҳадага чорлади.

Шу боис германиялик таниқли театршунос, "Ипак йўли — театр саёҳати" лойиҳаси муаллифи Роберто Чили ўзбек театри вакиллари маҳоратини юксак баҳолади. XXI асрда ўзбек театри жаҳоннинг илғор театрлари билан бир қатордан жой эгаллашига умид билдирди.

МУҲИМ

(Давоми. Боши 1-бетда).

29 миллион сўмлик 200 та даъво аризаси эса оилавий пудратчилар манфаатларини кўзлашини таъкидлаб ўтишни истардим.

Ушбу даъво аризаларидан 174 таси (48 миллион сўмлик) судлар томонидан мазмунан кўриб чиқилиб, қаноатлантирилди. Яъни, фермер хўжаликлари фойдасига 1 миллион 800 минг сўмлик маънавий зарар бевосита мансабдор шахслар чўнтагидан ундириб берилди. Масалан, Бухоро вилояти Ромитан туманидаги Ибн Сино номли ширкат хўжалиги «Шариф Ҳамро» фермер хўжалиги билан маҳсулот етказиб бериш бўйича тузилган шартноманинг талабларини бажармайди. Бошқача айтганда, олинган маҳсулот учун фермер хўжалиги билан ҳисоб-китоб қилмай, унга моддий зарар етказади. Шу боис вилоят адлия бошқармаси фермер хўжалигининг манфаатини кўзлаб, вилоят хўжалик судига даъво аризаси киритди. Мазкур суднинг шу йил 27 сентябрдаги ҳал қилув қарорига асосан, фермер хўжалиги фойдасига 1 миллион 32 минг сўм моддий зарар ундирилди. Ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Э. Эргашев эса маъмурий жавобгарликка тортилди.

Ёки бошқа бир мисолни олиб кўрайлик. Хатирчи туманидаги «Шаҳзод-2000» фермер хўжалиги контрактация шартномаси бўйича «Навоийдонмаҳсулотлари» акциядорлик уюшмасига дон етказиб берган эди. Лекин уюшма ғалланинг ҳақини тўламаслиги оқибатида унга зарар келтиради. Ушбу зарарни ундириш тўғрисида Навоий шаҳар судига даъво ариза киритилгач, унинг 2000 йил 5 сентябрдаги ҳал қилув қарорига асосан, маҳсулот учун тўланмай келинаётган 287 минг сўм қарз ҳамда 40 минг сўм миқдоридаги маънавий зарар мансабдор шахслар чўнтагидан ундириб берилди.

Бундай қонунбузарликларни бошқа вилоятларда ҳам учратиш мумкин. Суд жараёнлари эса телевидение орқали мунтазам равишда намойиш этилмоқда. Бу ширкат хўжаликлари раҳбарлари, тайёрлов ва хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг мансабдор шахслари учун сўзсиз амалий ҳуқуқий сабоқ бўлаяпти.

— Бевосита Адлия вазирлиги ходимлари ҳам жойларга чиқиб, ички хўжалик шартномаларини тузишнинг аҳволи, фермерларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи қонун ҳужжатларига риоя этилиши ҳолатларини батафсил ўрганаяптиларми? Таҳлиллар нималарни кўрсатмоқда?

— Вазирлик томонидан ўтказилган таҳлиллар натижасида фермер хўжаликларини рўйхатга олиш, уларга ер майдонларини ажратишда белгиланган тартиб ва муддатнинг бузилиши, фермерларнинг ерларини асоссиз равишда тортиб олиш ҳолатлари ҳамон мавжудлиги аён бўлди. Текширувларда, шунингдек, шартномаларнинг бир томонлама, яъни тайёрлов ва хизмат кўрсатувчи идоралар манфаатини кўзлаб тузилиши ёки амалдаги қонун ҳужжатларига зид равишда имзоланиши, моддий-техникавий, хомашё захираларини олишда нотенглик ҳолатлари мавжудлиги, шартнома мажбуриятларини бажармаслик оқибатида оилавий пудратчилар ва фермерларга зарар келтириш каби қонун бузилишлари аниқланди.

Айниқса, фермер хўжалигини юритиш хоҳишини билдирган фуқаролар ер ажратиш ва рўйхатга олиш масаласида баъзан ширкат хўжалиги ва туман ҳокимлигидаги мансабдор шахсларнинг тўсқинлигига дуч келиб, таниш-билишчилик ва суиистеъмолчилик ҳолатларига гувоҳ бўлмоқдалар. Бу эса фуқароларнинг норозилигига сабаб бўлаяпти. Масалан, Хоразм вилояти Ҳазорасп туманидаги «Хива» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Матниязов фуқаро Абдушариповдан фермер хўжалиги юритиш учун ер майдони ажратиб бериш эвазига 1000 АҚШ доллари миқдорида пора сўраганига нима дейсиз? У жиноят содир этилаётган пайтда қўлга олинган.

Қашқадарё вилояти Чироқчи туманидаги С. Жўраев номли ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Ж. Пирназаров «Раҳим» фермер хўжалигининг 10 гектар ерини ноқонуний равишда тортиб олган. Ушбу ҳолат бўйича вилоят адлия бошқармасининг туман судига киритган даъво аризаси қаноатлантирилиб, фермернинг ерга бўлган ҳуқуқи тикланди. Унинг фойдасига ширкат раисидан 53 минг сўм моддий зарар ва 52 минг сўм маънавий зарар ундириб берилди.

Мана бу далиллар ҳам кишини бефарқ қолдирмайди.

Навоий вилояти Хатирчи туманилик фермер О. Пўлатов шартнома мажбуриятини бажаргач, ўзига тегишли бўлган 96 килограмм буғдойни олиб қолганлиги учун, жиноий жавобгарликка тортилган эди. Бу иш қайта кўриб чиқилиб, фермер жиноий жавобгарликдан озод қилинди.

Сирдарё тумани машина-трактор парки раҳбарлари эса фермер хўжаликларининг ғалла ҳосилини йиғиштириб олишда шартнома шартларини қўпол равишда бузганлар. Улар фермер ихтиёрида қоладиган ғалла ҳосилини ўз вақтида ўриб-янчиб беришмаган. Яъни, туман бўйича давлатга ғалла сотиш режаси бажарилгандан сўнггина бу ишга киришилган.

Шунга қарамай, Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси томонидан ушбу қонунбузилишлардан ўз аъзоларини ҳимоя қилиш тартиби етарли даражада йўлга қўйилмагани ачинарлидир. Бу уюшма фермерларга моддий-техникавий, хомашё захираларини олишда ҳам фермерларга амалий ёрдам кўрсата олмаяпти. Бундан ташқари, барча тайёрлов, хизмат кўрсатиш идоралари ҳам шартномаларга нисбатан ўз муносабатларини қайта кўриб чиқишлари лозим.

Шу билан бирга, Адлия вазирлиги томонидан ўтказилган текширишлар, тадбиркорлардан тушган шикоятлар, «Ишонч телефонлари» орқали олинган маълумотлар, тадбиркорлар билан бўлган бевосита мулоқотларнинг таҳлили давомида тадбиркорликнинг ривожланишига тўсқинлик қилаётган бошқа муаммолар ҳам ошкор бўлди. Булар нималардан иборат?

Маҳаллий ҳокимият органлари томонидан фермерлар, хусусий корхоналар ва бошқа тадбиркорларнинг маблағлари уларнинг розилигисиз, ёзма топшириқ кўринишида ҳар хил тадбирларни ўтказиш, маъмурий биноларни қуришга сарфланмоқда, ҳокимият қошида очилган турли жамғармаларга жалб қилинаяпти. Бундай қонунчиликкка зид ҳолатлар Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё ва бошқа вилоятларда аниқланди.

Бу ўзганинг ишлаб топган маблағига тажовуз қилиш, ашаддий қонунбузарлик эмасми? Бу Конституция билан ҳимояланадиган мутлақ ҳуқуқ — хусусий мулкчиликка ҳурматсизлик бўлиб, иқтисодий ислоҳотларни обрўсизлантиришдир.

Биз тадбиркорларнинг етимсирлар, ночор ва кам таъминланган оилаларга ўз хоҳиши билан ва имкониятидан келиб чиқиб, ҳомийлик қилишларини тўғри тушунамиз. Лекин юқоридагидек номақбул услублар билан уларга зўравонлик ўтказиш мулкдорлар синфини яратиш сиёсатига тўсқинлик қилишдир. Охир-оқибатда эса бу жиноят-ку!

Жондан-да азиз неъмат

● Бу китобни ўқинг



М. САФАРОВ

Сиз муқовасини суратда кўриб турган ушбу китобча уч маърифий ташкилотнинг ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлари билан дунёга келди. Уни «Ўзбекистон» нашриёти нашрдан чиқарди. Китобчадан республикамизнинг пешқадам зиёлилари билан қилинган суҳбатлар ўрин олган бўлиб, бу суҳбатлар «Фидокор» газетасининг ижодий ходимлари томонидан уюштирилган. Китоб нашрига ташаббускорлик қилган ва ҳомий бўлган ташкилот эса Тошкент Давлат техника университети, шу илм даргоҳининг профессор-ўқитувчилар жамоатчилиги ва раҳбариятидир. У 5 минг нусхада чиқарилган.

Аслида, бу китобча янада каттароқ миқдорда чоп этилса, арзирди. Чунки Ватанимизнинг илғор зиёлилари тафаккуридан таралган ёғдулар янада кенгроқ давраларда нур сочса, айниқса, ёшларимиз уни олиб ўқиса, бунинг маънавий-маърифий самараси бошқачароқ бўлади.

Китобчадаги суҳбатлар нима ҳақда? Улар энг аввало, ҳаммамиз учун энг азиз, энг улуғ неъмат — Ўзбекистон Мустақиллиги, унинг халқимиз тақдиридаги буюк аҳамияти тўғрисида баҳс очади. Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов эса китобдан ўрин олган суҳбатида мустақиллигимизни яна-да ўткирроқ ибора билан таърифлаб: «Жондан-да азиз неъмат» дейди. Шоир айтганидек, ўзбек халқининг озодлигини ўзига қайтариб берган мустақиллик ҳар қандай таърифлардан юқоридир. Яъни, у бебаҳодир.

Китобда жамланган суҳбатларда мустақиллигимизнинг шундай бебаҳо тарихий аҳамияти турли-туман нуқтаи назарлардан очилади. Эркин Воҳидов, Озод Шарафиддинов, Ўткир Ҳошимов, Тоҳир Малик каби элимизнинг ардоқли адиблари, Бўрибой Аҳмедов, Тўлқин Миркомилов, Тўрабой Долимов сингари академик олимларимиз, Нажмиддин Комилов, Наим Каримов каби таниқли адабиётшунослар ва бошқа зиёлилар билан қилинган суҳбатларнинг ҳар бирида мустақиллигимизнинг ноёб мазмун-моҳияти янги-янги қирраларда намоён бўлади.

Суҳбатларда тараққиётимизнинг яна бир муҳим масаласи — миллий ғоя, миллий мустақиллик мафкураси ҳам етакчи мавзуга айланган. Муҳими шундаки, мустақиллик мафкурасининг моҳияти, унинг ҳозирги кунимизда долзарб масалага айланишининг сабаби, халқ онгига зўрма-зўраки сингдириб келинган, аслида таги пуч коммунистик мафкурадан тубли фарқлари суҳбатларда ғоятда оммабоп, содда тилда, халқчил тафаккур билан таҳлил этилган.

Шиорбозлик, баландпарвоз гаплардан холи, чуқур ҳаётий кузатиш, таҳлил ва далилларга бой бу суҳбат даврасига кирган кишининг руҳи яйрайди. Фикри янгиликлар топади, дунёқарашида мустақиллик асослари мустаҳкамланади. Ушбу китобнинг қимматли томони ҳам шунда.

Жаҳон банки вакиллари Хоразмда

Т. ШАМАКОВ,
ЎзА мухбири.

Жаҳон банкининг вице-президенти Йоханес Линн бошчилигидаги делегациянинг Ўзбекистонга ташрифи Хоразм вилоятидан бошланди.

Делегация вакиллари вилоят ҳокими И.Бобожонов билан учрашди. И.Бобожонов меҳмонларга Хоразмнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ўзига хос жиҳатлари, вилоят аҳлининг маънавий ва маданий салоҳияти ҳақида сўзлаб берди.

Бўлиб ўтган учрашувда Оролбўйи минтақасида давом этаётган оғир экологик вазиятнинг таъсири ўлароқ юзага келган муаммолар, шунингдек, бу йилги қурғоқчилик оқибатлари муҳокама қилинди. Й.Линн шуни қайд этдики, ушбу муаммолар билан танишув натижалари делегация аъзоларининг мамлакатимиз ҳукумати вакиллари билан бўлажак учрашувларида эътиборга олинади.

Делегация вакиллари Урганчдаги вилоят болалар касалхонасида бўлишди, Жаҳон банки лойиҳаси бўйича амалга оширилаётган вилоят "Сув оқава" ишлаб чиқариш бирлашмасидаги сув тозалаш иншоотларини қайта таъмирлаш ишларининг бориши, "Хоразмсувқурилиш" трестининг Урганч қурилиш-монтаж бошқармаси қошидаги машина-трактор паркидаги таъмирлаш ишлари билан танишиб чиқди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

(Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2000 йил 16 октябрдан 21 октябргача бўлган маълумот)

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган отиноийларга махсус лицензиялар бериш тартиби. *Ўзбекистон Мусулмонлар идораси томонидан тасдиқланган ҳамда ЎзР ВМ ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Республика «Маҳалла» ҳайрия жамғармаси билан келишилган.*

2000 йил 16 октябрда 978-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди (2000 йил 26 октябрдан кучга киради).

2. Идоравий меъёрий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида бўйруқ. *ЎзР Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланган.*

2000 йил 16 октябрда 979-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди (2001 йил 1 январдан кучга киради).

3. Корхоналар мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага 3-сонли ўзгартириш. *ЎзР Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган.*

2000 йил 20 октябрда 381-3-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди (2000 йил 30 октябрдан кучга киради).

4. Суд қарорлари бўйича давлат фойдасига мусодара қилинган хорижий валютани жисмоний шахсларга қайтариш тартиби тўғрисида йўриқнома. *ЎзР Молия вазирлиги, Марказий банк, Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган ҳамда Адлия вазирлиги, Олий суд, ИИВ, МХХ, Давлат божхона қўмитаси, Республика Прокуратураси билан келишилган.*

2000 йил 20 октябрда 980-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди (2000 йил 30 октябрдан кучга киради).

5. Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан солиқларни тўлаш тартибига 1-сонли ўзгартириш ва қўшимчалар. *ЎзР Марказий банки томонидан тасдиқланган.*

2000 йил 21 октябрда 677-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди (2000 йил 31 октябрдан кучга киради).

II. Давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим эмас:

1. 2000 йил 16 октябрдаги 98-ва 540-сонли қўшма буйруқ. *ЎзР Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган.*

Ушбу ҳужжат ички идоравий ҳужжатдир, шунинг учун у мазкур идоралар томонидан белгиланган тартибда тасдиқланиб, кучга киритилиши мумкин. Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлмаган меъёрий ҳужжатларда амалдаги қонун ҳужжатларига зид қоидалар бўлмаслиги лозим.

III. Давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилди:

1. Меъёрий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш тўғрисида хат (2 та ҳужжат). *ЎзР Давлат монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси томонидан тақдим этилган.*

2. Ёнилғи-энергетика ресурларидан фойдаланишдаги қоидабузарликлар учун иқтисодий жазони қўллаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага 1-сонли ўзгартириш ва қўшимчалар. *ЎзР Молия вазирлиги томонидан тақдим этилган.*

3. Ўзбекистон Республикасида кам учрайдиган ва йўқолиш хавфида бўлган ёввойи ўсимликлар турларини муҳофаза қилиш тартиби тўғрисида йўриқнома. *ЎзР Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан тақдим этилган.*

Тақдим этилган ҳужжатларда амалдаги қонунчиликка зид қоидалар мавжуд ёки улар меъёрий ҳужжатларга қўйилган талабларга жавоб бермайди. Давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилган меъёрий ҳужжатлар Адлия вазирлигининг хулосалари ҳисобга олинган ҳолда қайта ишланган тақдирда давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақроран тақдим этилиши мумкин.

IV.Ҳуқуқий экспертизадан ўтказилмокда:

1. «Эркин омбор» божхона режими тўғрисида вақтинчалик низом. *ЎзР Давлат божхона қўмитаси томонидан тақдим этилган.*

2. ЎзР тижорат банкларида ва Марказий банк Ҳисобкитоб касса марказларида электрон имзо ва шифрация калитларидан фойдаланиш тартиби тўғрисида низом (Адлия вазирлиги хулосаси асосида қайта ишланган). *ЎзР Марказий банки томонидан тақдим этилган.*

3. Фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқариладиган пахта хом ашёсини тайёрлаш тартиби тўғрисида низом. *«Ўзпахтасаноатсотиш» уюшмаси томонидан тақдим этилган.*

4. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ходимлари ва Молия вазирлиги тизими ходимларининг ижтимоий ривожлантириш ва моддий рағбатлантириш жамғармасини шакллантириш ва маблағларидан фойдаланиш тартиби тўғрисида низом. *ЎзР Молия вазирлиги томонидан тақдим этилган.*

5. Ўзбекистон Республикаси банкларни аудиторлик текшируви тўғрисида низом. *ЎзР Марказий банки томонидан тақдим этилган.*

Маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Идоравий меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси томонидан тақдим этилди.
Саволлар ва таклифлар учун телефонлар: 133-38-67, 132-00-28

Қурувчилар туҳфаси

Риштонликлар катта байраму шодиёналар тараддудида. Бурҳониддин ал Марғиноний ар Рашидоний таваллудининг 910 йиллигига тайёргарлик қизғин. Барча тўйга тўёна ҳозирлаш иштиёқида. Шу қутлуғ кунлар арафасида туман молия бўлими ходимлари замонавий услубда қурилган бинога эга бўлдилар. Кенг ва ёруғ хоналар, компьютер тизими, хуллас яхши ишлаш учун барча шароит муҳайё. Бинонинг тез ва соз бунёд бўлишида тумандаги 85-махсус механизациялашган кўчма жамланмаси, Қўқондаги «Геокон-к» хусусий фирма қурувчилари жонбозлик кўрсатишди.

СУРАТЛАРДА: туман молия бўлими бошлиғи Нишонбой Болтабоев отахонлар билан янги бино олдида.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИЯТИНИНГ КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ БОШ БОШҚАРМАСИ

ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАРГА АЛЮМИНИЙ ВИТРАЖЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА МОНТАЖ ҚИЛИШ БЎЙИЧА

танлов савдосини эълон қилади:

«М.АШРАФИЙ НОМИДАГИ ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ»

Ҳажми — 9050 м².
Етказиб бериш ва монтаж қилиш муддати — 2001 йилининг 1 чораги.

«МАТБУОТЧИЛАР, СУЛЕЙМОНОВА, О.ТУРК ВА САЙИЛГОҲ КЎЧАЛАРИ БЎЙИЧА МАВЗЕНИ ТАЪМИРЛАШ»

Ҳажми-3195 м².
Етказиб бериш ва монтаж қилиш муддати — 2001 йилининг ноябрь-декабрь ойида.

ТАНЛОВ САВДОСИДА ҚАТНАШИШГА ХУСУСИЙ МУЛКЧИЛИКНИНГ БАРЧА ШАКЛИДАГИ ТАШКИЛОТЛАР ТАКЛИФ ЭТИЛАДИ.

Объектлар қурилиши давлат инвестицияси маблағлари ҳисобидан бажарилади.

Савдоларда қатнашиш ва тендер ҳужжатларини олиш учун Капитал қурилиш бош бошқармасига мурожаат қилинади.

Манзил, Тошкент ш., Ўзбекистон кўчасида, 16-бино, 304, 306-хоналар. Телефонлар 41-86-68, 41-86-64. Мурожаатлар 2000 йилнинг 3 ноябригача ҳар куни соат 10-00 дан 17-00 гача қабул қилинади.

Бир комплект тендер ҳужжатларининг нархи — 15 минг сўм.
Офертлар (конвертларга солинган тақдим қилинаётган таклифлар) 7 ноябр соат 9-00 гача қабул қилинади. Офертлар очиш 2000 йил 7 ноябр соат 10-00 гача белгиланган ва юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

3445

стратегик вазифа

Бизнинг фикримизча, бу каби аралашувлар тадбиркорликни ривожлантиришга хавф солиб, иқтисодий ислоҳотларга тўғаноқ бўлмоқда.

Гарчи ўтган ойларда ноқонуний текширишлар сони кескин камайган бўлса-да, бундай ҳолатларга мутлақо чек қўйилди, дея олмаймиз. Масалан, «Фармед Навоий» хусусий фирмасида Навоий шаҳар солиқ инспекцияси томонидан, «Шайх Шоди» фермер хўжалигида Қизилтепа ер тузиш инспекцияси ва аудиторлик фирмаси томонидан ноқонуний текширишлар ўтказилган. Навоий вилояти адлия бошқармасининг тақдимномалари асосида, албатта, ана шу айбдор мансабдор шахслар жавобгарликка тортилдилар.

Тошкент шаҳар Сирғали туманида эса «Таҳлилаудит» фирмасининг аудитори Валерий Тян назорат органининг топшириғига кўра, тадбиркор Хўжаевнинг фаолиятини тафтиш қилган. У «Текширишларни рўйхатга олиш китоби»га бу ҳақда маълумот киритишдан бош тортиб, 500 АҚШ доллари миқдорида пора сўрайди. Аудитор жиноят содир этилаётган пайтда қўлга олинган.

Биз оммавий ахборот воситалари орқали ҳар бир тадбиркорга бу китобнинг моҳияти ва афзалликларини, уни тўлдириш тартиби, нопок текширувчилардан ҳимоя сифатида ундан фойдаланиш бўйича ҳуқуқларини мунтазам равишда тушунтириб келаяпмиз. Юқоридаги ҳолатлар эса ўз навбатида «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонун асосида аудиторлик хулосаларининг мавқеини кўтариш ҳамда аудиторлик хизмати тизимини ривожлантириш учун, бу йўналишдаги ишларимизни, чора-тадбирларимизни Молия вазирлиги билан ҳамкорликда яна изчиллик билан давом эттиришимизни тақозо қилмоқда.

Қолаверса, банклар томонидан тадбиркорларга ҳисоб рақамларини очиш ва кредит ажратишда ортиқча ҳужжатларнинг талаб қилиниши, ортиқча оворагарчиликка йўл қўйилиши ва таъмагирлик ҳолатлари содир этилиши билан ҳам муроса қилиб бўлмайди. Масалан, «Тадбиркорбанк»нинг Наманган вилоят бошқармаси ходими ўз хизмат вазифасидан фойдаланган ҳолда, тадбиркор К. Солиевага кредит ажратаркан, «Кредит суммасининг 10 фоизини нақд пулда берасан», деб таъмагирлик қилган. Натижада у 20 минг сўм пора олганликда айбланиб, суднинг шу йил 27 июндаги ҳукмига кўра, 6 йилга озодликдан маҳрум этилди. Мол-мулки эса мусодара қилиниди.

— Тадбиркорларни иқтисодий қонунбузарлик учун жавобгарликка тортишни тартибга солувчи қонунчилик ва амалиётни қайта кўриб чиқишнинг пайти келмадимикин? Гап шундаки, амалиётга назар ташлайдиган бўлсак, баъзи ҳолларда хўжалик низолари ҳам Жиноят кодекси доирасида кўриб чиқилиб, тадбиркор шахслар жиноий жавобгарликка тортилмоқдалар. Ёки бўлмаса, солиқ қонунчилигини олиб кўрайлик. У ўзининг мураккаблиги билан фарқланиб туради, ҳатто малакали мутахассислар ҳам гоҳида ўзларининг ҳисоб-китобларидан иккиланиб қоладилар. Шундай шароитда кичик ва ўрта тадбиркорлар солиқ тўлашда хато ва камчиликларга йўл қўйишлари эҳтимолдан холи эмас, албатта.

— Саволингиз ўринли. Ҳақиқатан ҳам, тегишли қонунчилик ва амалиётни қайта кўриб чиқиш лозим. Энди сиз тилга олган солиқ қонунчиларнинг сонини кўпайтириш эмас, балки ўз вақтида солиқни ундириш ва тадбиркорларнинг оёққа туришига ёрдам беришдир.

— Ички хўжалик шартномаларини тўлиқ ўрганишда мониторинг ўтказиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Вазирлик бу йўналишда ҳам иш олиб бораяптими?

— Шу мақсадда биз Қишлоқ ва сув хўжалиги ҳамда Молия вазирликлари билан биргаликда қишлоқ хўжалик корхоналаридаги ички хўжалик шартномалари мониторингини юритиш тартибини ишлаб чиқиб, уни амалга киритдик. Шу тартибга асосан, ширкат хўжаликлари оилавий пудратчилар билан ички хўжалик шартномаларини тузишдан олдин уларнинг намунавий шаклини вилоят адлия бошқармаларида ҳуқуқий экспертизадан ўтказишлари лозим. Ушбу ҳолат ички хўжалик шартномаларининг амалдаги қонун ҳужжатларига тўлиқ мос келишини таъминламоқда. Бундан ташқари, тузилаётган ички хўжалик шартномаларининг мониторингини олиб бориш учун жойларда адлия, қишлоқ ва сув хўжалиги ҳамда молия бошқармаларининг вакилларидан иборат алоҳида гуруҳлар фаолият кўрсатаяпти. Хусусан, адлия бошқармалари томонидан ҳар бир туманда шартномавий муносабатлар бўйича биттадан намунавий ширкат хўжалиги ташкил қилиш йўлга қўйилмоқда. Ички хўжалик шарномалари ва қишлоқ хўжалигига доир қонун ҳужжатларини тушунтириш ишлари бўйича семинарларни айнан шу хўжаликларда ўтказишни бошлаб юбордик.

Ички хўжалик шартномалари мониторингини юритиш учун йилнинг охиригача республикамизда мавжуд 1400 дан ортиқ ширкатлардаги ички хўжалик шартномалари тўлиқ ўрганиб чиқилади. Вилоятлардаги адлия бошқармалари томонидан ҳар бир ширкатдаги ички хўжалик шартномаларига оид маълумотлар, чек тизимининг жорий қилиниши ва бошқа қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишга оид қонунларнинг амалда ишлашига таалуқли барча ахборотлар тўлиқ тўпланиб, назорат қилиб борилмоқда.

— Келгусидаги режаларингиз хусусида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа мутасадди идоралар билан ҳамкорликда тадбиркорлик ҳаракати ривожига тўсиқ бўлаётган муаммоларни бартараф этишга қаратилган хатти-ҳаракатларимизни, қўллаётган чораларимизни давом эттириб, қонун устуворлигини таъминлаймиз. Бунга имонимиз комил, кучимиз ҳам етади.

Мақсадимиз давлатимиз раҳбари томонидан қўйилган асосий стратегик вазифа — мулкдорлар синфини яратиш ва тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган қонунларнинг сўзсиз бажарилишини биргаликда таъминлашдан иборат экан, бу йўлда барча имкониятлар ва ресурсларни сафарбар этамиз. Шунга эришайлиқки, иқтисодиётни эркинлаштиришга йўналтирилган қонунларимиз кучига, ўз мулки ҳимоя қилинишига ҳар бир тадбиркор ишонсин!

— Суҳбатингиз учун ташаккур!

Суҳбатдош: Икром ЎТБОСАРОВ

OPEN SOCIETY INSTITUTE 2001 SOCIAL FELLOWSHIP PROGRAM
FOR GRADUATE LEVEL STUDY IN THE UNITED STATES

The Open Society Institute is pleased to announce the Social Work Fellowship Program (the "Program") for Azerbaijan, Georgia, Kazakhstan, Kyrgyzstan, Mongolia and Uzbekistan. The Program is designed toprovide training in social work to implement reform, create policy and foster the development of social work in the participating countries. The Program also introduces students from the participating countries to colleagues from other regions of the world and encourages cross-national dialogues among professional communities.
The participating host universities are Columbia University (www.columbia.edu/cu/ssw) and Washington University in St. Louis (www.gwbweb.wustl.edu).

ELIGIBILITY REQUIREMENTS
The Program does not discriminate on the basis of race, color, sex, religion, national and ethnic origin, sexual orientation, or disability. The competition is merit-based and open to anyone meeting the following criteria:
1. Citizen of Azerbaijan, Georgia, Kazakhstan, Kyrgyzstan, Mongolia or Uzbekistan;
2. Resident of Azerbaijan, Georgia, Kazakhstan, Kyrgyzstan, Mongolia or Uzbekistan;
3. Under the age of 40 at the time of the application deadline;
4. Hold an undergraduate degree (four- or five-year program) by June 2001 with an excellent academic record;
5. Proficient in spoken and written English at the time of application;
6. Able to demonstrate professional aptitude and leadership potential in social work;
7. Able to begin studies in summer 2001 and continue through spring 2003;
8. Able toreceive and maintain a US J-1 visa.
9. Committed to returning to their home country after completion of the program.

FINANCIAL TERMS
Fellowships will cover the following costs: tuition, monthly living stipend (to cover room and board), textbooks, professional development support, international transportation, accident and sickness insurance, pre-departure orientation, and participation in Program meetings in the United States.

VISA SPONSORSHIP
Participants will enter the United States under J-1, or student, visa sponsorship. They are expected to comply with all visa regulations and are subject toa two-year home residency requirement upon completion of the program. Requests for visa renewals or extensions will not be considered.

DEPENDENTS
The Program does not offer any financial support or special provisions for dependent family members. Family members will have toapply for J-2 visas and may not be able to arrive in the US until fall 2001.

ACADEMIC PROGRAM
Graduate programs in social work begin with learning the foundations of social work ensuring that all graduates have the same knowledge base upon entering the social work profession. Foundation courses focus on studying theories, issues and practice methods dealing with both human behavior and the social environment. After the foundation is established, students may then choose a method of social work practice and/or a social problem area they want tofocus on (see below for description).

METHODS OF SOCIAL WORK PRACTICE (Source; www.columbia.edu/cu/ssw, www.gwbweb.wustl.edu)	*SOCIAL PROBLEM AREAS* (Source; www.columbia.edu/cu/ssw, www.gwbweb.wustl.edu)
Clinical Social Work / Family Therapy (Counseling)	***Children, Youth, and Families***
Generalist	*Gerontology*
Social Administration / Management	*School*
Social Policy	*Work*
Social Research	*Contemporary Social Problems*
	Health, Mental Health and Disabilities
	International Social Welfare and Services to Immigrants and Refugees
	Social and Economic Development

SUBMIT APPLICATIONS TO THE OSI-UZBEKISTAN:
UZBEKISTAN
Open Society Institute - Uzbekistan
31 Zarbog Street
700031 Tashkent, Uzbekistan
Tel./Fax: (99871) 1206854; 1522741
E-mail: kamol@osi.uz Contact person:
Kamoliddin Diyarov

DEADLINE:
Friday, November 17, 2000

• Спорт — миллат ғурури

БАҲОДИР ЎҒЛОНЛАРГА СУЯНАДИ ЭЛ

Иккинчи мақола

Озод РАЖАБОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Етти паҳлавоннинг кенжаси

Андижон вилоятининг Қирғизистон Республикаси билан чегарадош ҳудудида бир шаҳарча бор. Қорасув деб аташади уни. Узоққа бормасдан тан олиб қўяқолайлик. Мамлакатимиз фуқаролари орасида ҳам шундай жой борлигини билмайдиганлар кўп эди, бугунгача. Энди-чи? Зарбидан ўт чақнайдиган ёш баҳодир маҳорати туфайли кичик шаҳарни бутун дунё таниди.

Ким экан у ботир йигит дейсизми? У етти паҳлавоннинг кенжаси, десам эртакка йўйманг, яна. Аслида ҳам шундай. Раиса Алексеевна ва Егор Александрович Михайловларнинг етти нафар ўғли бор. Виктор, Юрий, Вячеслав... Сергей уларнинг кенжаси.

Очиғини айтганда, Сергей ўқувчилигида тинибтинчимас бола эди. Ўзини қўйишга жой топмасди, Сергейнинг акалари уни Андижон шаҳридаги республика Олимпия ўринбосарлари билим юртига ўқишга олиб келишди.

Серёжа беш йил давомида ана шу масканда ҳам илм олди, ҳам чарм қўлқоп билан зарба бериш, керак пайтида ўзини ҳимоя қилишни ўрганди.

— Бўладиган бола бошидан маълум, — дейди билим юртининг кекса мураббийи Валентин Золотарев. — Сергейни олиб келишганида мускулларини қисиб кўрсам жуда нимжон эса-да, ундаги дадиллик олдиндаги қийинчиликларни енгиб ўта олишига умид уйғотарди...

Узоқни кўра биладиган қалбидарё мураббий Сергейни шогирдликка олиб адашмаган эди. С. Михайлов билим юртини тугатган 1994 йилдаёқ мамлакатимиз терма жамоаси сафига қабул қилинди. Ва Туркияда ўтказилган ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатига йўл олди. Тўғри, бу ерда у совринли ўринни қўлга киритолмади. Лекин халқаро майдонда орттирилган илк тажриба кейинчалик Сергейнинг Покистон, Туркия, Таиланд, Болгария, Италия, Чехияда бўлиб ўтган халқаро турнирларда ғолиб ва совриндор бўлишига замин яратди.

Сиднейдаги бронза Афинада олтинга айланажак

Бултур пойтахтимизда бўлиб ўтган қитъа биринчилигининг 81 килограмм вазн тоифасидаги мусобақаларида Сергейнинг олтин медални қўлга киритиши қорасувлик боксчи учун Сидней эшикларини кенг очди.

Сергей аввалига Андижонда, кейинчалик Янгиободдаги махсус ўқув-спорт базасида устозлари Александр Размахов ҳамда Марс Кўчқоровлар раҳбарлигида XXVII Олимпиада ўйинларига қизғин тайёргарлик кўрди. Узининг нималарга қодирлигини исботлаш учун астойдил интилди.

«Умид билан суқилган таёқ, бир кун берар мева-ю япроқ», деб ёзган шоир нақадар ҳақлигини 15 сентябрда старт олган Сидней олимпиадаси натижалари исботлай бошлади. Ким пухта ҳозирлик кўрган бўлса, рақибларини мағлуб этиб, медаллар сари олға интиларди. Энг қувонарлиси, ўша музаффарлар орасида ҳамюртимиз Сергей Михайлов ҳам бор эди.

Айтиш мумкинки, кучли техникаси ва юксак маҳорати туфайли Сергей биринчи, иккинчи босқичдаги рақибларини катта устунлик билан мағлуб этди. Аммо унинг чорак финалдаги рақиби Ўлжас Урозалиев (Қозоғистон) анойилардан эмасди. Яна бир томони, ушбу беллашув ғолиби учун камида бронза медали нақд эди. Шунинг учун ҳам Ўлжасдек таниқли боксчи билан бўлган «жанг» жуда қийин кечди.

Лекин Сергей сўнгги раундда шундай матонат топа билдики, бу унга ғалаба келтирди. Ҳакамлар Сергейнинг ғолиб чиққанлигини маълум қилишганида, қорасувлик тинчимас боланинг кўзидан ёш тирқираб кетганини бутун дунё кўрди. Зеро, у ушбу дамларда она Ватан довруғини оламга ёйган эди.

— Олимпиада олдидан олтин медални кўзлагандим, — дейди Сергей. — Лекин спортда кучли рақибни тан ола билиш ҳам керак. Ярим финалда имкониятни бой берганим А. Лебзяк (Россия) мендан-да жиддий ҳозирлик кўрганлиги маълум бўлди. 2004 йил Афинада бўладиган XXVIII Олимпиада ўйинларидан кўксимдаги мана шу бронзани олтинга ўзгартириб келиш учун бор куч ва маҳоратимни аямайман.

Зарбалар ҳосиласи

- *1997 йил Будапешт — жаҳон чемпионати қатнашчиси.*
- *1997 йил Алмати — Марказий Осиё ўйинлари ғолиби.*
- *1997 йил Малайзия — Осиё чемпиони.*
- *1998 йил Таиланд — Осиё ўйинларининг олтин медали соҳиби.*
- *1999 йил Тошкент — Осиё чемпиони.*

Бу ғалабани отаси кўрганда эди...

Сергей билим олган мактаб, айниқса, у бокс сирларини ўрганган Олимпия ўринбосарлари билим юртига боранимда, ўқувчилар бирпасда ўраб олишди. Ҳар қайсиси ҳар томондан саволга тутди.

— Чемпион акаларимиз ҳақида ёзишга келдингизми?

— Фотоаппаратингиз қани?

— Бизни улар билан суратга олиб, «Чемпионлар ва бўлажак чемпионлар», деб чиқарсангиз зўр бўларди-да. Барибир чемпион бўламиз-а, боллар?

— Албатта, — дейишади қолганлари жўр бўлиб.

Чарм қўлқоп усталаримизнинг олис юртлардаги катта ғалабалари кўча чангитиб юрган мана шу ёшлар тарбиясида ҳам муҳим аҳамият касб этаётир. Уларнинг бириси мен Муҳаммадқодир бўламан, деса, иккинчилари мен Сергей, Руслан бўламан, деб чуғурлашишади ва машғулотларга зўр беришади.

Андижон ўғлони Олимпиадада ўз сўзини айтди. Ва юртига ёруғ юз билан қайтди. Ана шундай дамда Сергейнинг онаси — Раиса Алексеевна ҳам шодон, ҳам маюсдек туюлди менга. Шу боис, савол назари билан у кишига қарадим.

— Турмуш ўртоғим Егор Александрович Сергейнинг бу ютуғини кўрганда эди, — дейди у. — Кўнгли тоғдек кўтариларди. Афсус, тақдир экан... Ер кўкка ишонмай ўстирган кенжатойимнинг манаман деган спортчиларни йиқиб совриндор бўлиб бағримга қайтганидан шодланмай бўладими, ахир.

А.Рисқиев (ЎзА) олган сурат.

• Ривоят

«Онасини кўриб қизини ол»

Узоқ сафарга отланаётган ёш савдогар туя харид қилиш мақсадида бозорга йўл олибди. Бозорни кўздан кечирибди, нархнавони билибди. Қарасаки, бир туяга харидорлар яқинлашармишу сотиб олмасмиш. Йигит ўша туяга харидор бўлибди.

— Туямнинг бир айби бор, — дебди сотувчи. — Бунинг онаси кечувдан ўтаётганда сувга ётиб оларди.

Йигит сувга ётиб оладиган онаси экан-ку, бунда нима айб, деб туяни сотиб олибди. Ва сафарга айланибди. Узоқ йўл юриб кечувга келганда, унинг туяси устида юки билан сувга ётиб олибди. Оқибатда савдогар йигит бор-будидан айрилибди. «Онаси қилган айбни бу ҳам такрорлади-я», деб афсусланибди ва... қайнонасининг хиёнаткорлиги сабаб қайнотаси ҳам қатл этилгани ёдимга тушибди. Ўша юртда хиёнаткор аёл эри билан бирга қатл этилар экан-да. У карвондагиларни тўплаб аёлининг жавобини берганини маълум қилибди ва уйига «талоқ хати» юборибди. Орадан уч ой ўтгач, карвон юртига қайтибди. Шаҳарда йигитни кўнгилсизлик кутиб турарди. Унинг аёли хиёнат қилиб, эри билан бирга қатл этилиши кутилаётган эди. Йигитни кунданинг ёнига келтиришибди. Шунда йигит аёлини «талоқ» қилгани ва унга талоқ хати юборганини айтиб, гувоҳларни чақиртиришни талаб қилибди.

Бундан ажабланган қози:

— Сиз аёлингизни хиёнат қилишини сезганмидингиз? — дея сўрабди.

— Мен сафар олдидан бозордан туя харид қилдим, — дея изоҳ берибди йигит ва бўлган воқеани ҳикоя қилиб берибди. — Хотинимнинг отаси ҳам аёлининг хиёнати сабаб қатл этилгани ёдимга тушди. Онасининг қусури қизига ҳам ўтиши мумкин-ку, деган шубҳа мени кемира бошлади. Ва аҳли карвон гувоҳлигида аёлимнинг жавобини бердим ва унга «талоқ хати» юбордим. Бор гап шу, дебди.

Унинг ҳақ эканини атрофдагилар ҳам тасдиқлашибди ва йигит жазодан қутилиб қолибди. «Онасини кўриб, қизини ол», деган мақол шундан пайдо бўлган бўлса не ажаб.

Ҳ. СОДИҚОВ чизган сурат.

«ХАЛҚ СЎЗИ»
«НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:
Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34;
Ҳуқуқ — 136-07-94;
Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65
Маънавият ва маърифат — 136-35-60;
Хатлар — 136-29-89, 133-07-48;
Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08;
Ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 133-78-92;
Халқаро ҳаёт — 132-11-15;
Котибият — 133-10-28;
Эълонлар — 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 916, 18042 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II русс компьютерида терилди ҳамда оператор Ж. ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ.
Навбатчи муҳаррир — О. РАҲИМОВ.
Навбатчи — Д. ТУРҒУНОВА.
Мусаҳҳиҳ — А. САТТОРОВ.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00
топширилди — 23.00
1 2 3 4 5 6

Камолиддин Беҳзод таваллудининг 545 йиллиги олдидан

Беҳзод асарлари – тарихий манба

Б. МАНСУРОВ,
ЎзА мухбири.

Мамлакатимизда шарқнинг буюк мусаввири Камолиддин Беҳзод таваллудининг 545 йиллик тўйини нишонлашга катта тайёргарлик кўрилмоқда. Пойтахтда Беҳзод хотира боғи ва музейи қад ростламоқда, унинг ҳаёти ва ижодига бағишланган рисола ва альбомлар чоп этилмоқда, тасвирий санъат асарлари кўргазмалари ўтказилмоқда.

— Юбилейга бағишланган тадбирларни йил давомида ўтказиб келмоқдамиз,— дейди Ўзбекистон Бадиий академияси Санъатшунослик илмий-тадқиқот институтининг директори, санъатшунослик фанлари доктори Оқилхон Иброҳимов. — Биз одатда Камолиддин Беҳзодни мусаввир, миниатюрачи рассом сифатида билардик. Лекин унинг шахсини, илмий-ижодий меросини ўрганиш жараёнида Беҳзод ижодининг кўлами жуда кенг эканлиги маълум бўлмоқда. Миниатюралар асосида ўша давр маданий ва ижтимоий ҳаёти, қолаверса, либослари, заргарлик, наққошлик, мусиқа санъати ҳақида катта тасаввур олиш мумкин.

Масалан, XV-XVI асрларда фойдаланилган мусиқа чолғу асбоблари ҳақида биз фақат ёзма манбалардангина маълумот олганмиз. Уларнинг шакли қандай бўлганлиги ҳақида эса бу манбаларда маълумот йўқ. Бу нарсани Беҳзод ва унинг шогирдлари томонидан чизилган расмларда кўриш мумкин.

Шуларни ҳисобга олган ҳолда институтимизда Камолиддин Беҳзод ижодининг алоҳида жиҳатларини ўрганишга бағишланган илмий анжуманлар ўтказиб келинмоқда. "Камолиддин Беҳзод ва Шарқ санъати" мавзуида ўтказилган илмий анжуман ҳам шулар жумласидандир.

Барча тадбирларимиз мамлакатимизда нишонланадиган юбилей тантаналарининг дебочаси десак бўлади. Эндиликда асосий эътиборимиз ана шу тантаналар доирасида "Камолиддин Беҳзоднинг жаҳон тасвирий санъатига таъсири" мавзуидаги халқаро илмий анжуманга қаратилган. Унда хориждан ҳам кўплаб санъатшунос олимлар ва мутахассислар иштирок этиши кутилмоқда.

Vinlad
Ҳаётингизни хотиржам қиламиз!
C&K SYSTEMS
GLOBAL SECURITY TECHNOLOGY

Яна-да яхши! Яна-да замонавий! Яна-да арзон!..

XL 413 сериясидаги детекторларнинг янги авлоди IS 215 14 800 сўм.

ST 800 L клавиатура билан – 70 000 сўм.

ST 805 клавиатура билан – 78 470 сўм.

ST 802 клавиатура билан – 76 495 сўм.

Аккумулятор 1270 ВАТ – 20 651 сўм.

Аккумулятор 1220 ВАТ – 14 972 сўм.



Буларнинг барчаси қўриқлаш тизими учун керакли!

700022
Тошкент ш.
Қушбеги к., 18.
Тел.: (998 712) 50-99-13, 50-46-13
Факс: (998 712) 50-03-61
E-mail: vinlad@naytov.com

3191

Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони жамоаси Ишлар бошқармаси масъул ходими Ў. Х. Холматовга ўғли
АЛИШЕРнинг
бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Uzprommashimpeks» Давлат-акциядорлик ташқи савдо компанияси жамоаси компаниянинг бухгалтерия бўлими бош мутахассиси Шуҳрат Муҳиддиновга онаси
Масуда ЗОҲИДОВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг жамоаси Конституциявий суднинг бош ҳисобчиси Д. У. Ориповага укаси
Алишер ХОЛМАТОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси жамоаси матбуот хизмати раҳбари Жасур Носировга ва унинг оила аъзоларига ойилари
ЗУМРАД аянинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ

ТРАНСПОРТ СОҲАСИДАГИ ФАОЛИЯТНИ ЛИЦЕНЗИЯЛАШ КОМИССИЯСИ

2000 йил 15 сентябрдаги мажлис баённомасига асосан автотранспорт фаолияти учун берилган қуйидаги рақамлардаги

ЛИЦЕНЗИЯЛАР БЕКОР ҚИЛИНДИ:

№0004679 - *"FAOLTRANS" МЧЖ (Тошкент ш.)*
№0004650 - *"Ўргут деҳончилик қурилиш" (Самарқанд вилояти ,Ўргут ш.)*
№0004701 - *Иштихон туман "Машина-трактор парки" ДАЖ (Самарқанд вилояти, Иштихон ш.)*
№№ 0005469, 0005470, 0005471, 0005472 - *"Ватанпарвар" жамияти Гулистон автомактаби. (Сирдарё вилояти, Гулистон тумани)*
№0005313 *Ўзбекистон мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» жамияти Оқ олтин тумани кенгаши (Сирдарё вилояти,Оқ олтин тумани)*
№№ 0005896, 0005897 - *"Гранит" МЧЖ (Тошкент ш.)*
№0005826 - *"Қурувчи хизматчи" МЧЖ 9 (Тошкент ш.)*
№№ 0004991, 0004992 - *"Оби раҳмат" савдо ишлаб-чиқариш бирлашмаси (Самарқанд ш.)*
№0005595 - *К.Турғунбаев номидаги парандачилик очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти. (Жиззах вилояти,Зафаробод тумани.)*
№0004635 - *"МСПМК-498" жамоа корхонаси (Қорақалпоғистон Республикаси)*
№0004872 - *"Ҳидоят" хусусий фирмаси Сурхандарё вилояти, Денов тумани.*
№0004889 - *"Шеробод пахта" ОТҲЖ (Сурхондарё вилояти, Шеробод ш.)*
№0004903 - *Чимбой тумани "Дийханшилик" машина трактор парки (Қорақалпоғистон Республикаси)*
№0004909 - *«Эверест-Супер» ХК (Тошкент вилояти, Паркент тумани)*
№0004974 - *«Мурод» кўп тармоқли ХФ (Наманган вилояти Янгиқўрғон тумани)*
№ 0004977 - *«Бинокор-С» савдо ишлаб-чиқариш фирмаси (Сурхандарё вилояти Сариосиё тумани).*
№№ 0004983, 0004984 - *«Семург ва Бунёд» ОТҲЖ (Тошкент вилояти Янгийўл ш.)*
№ 0005025 - *«Оқ олтин» ОТҲЖ (Бухоро вилояти, Ромитан тумани)*
№№ 0005137, 0005138 - *«Сиявуш» ўқув ишлаб-чиқариш корхонаси (Тошкент ш.)*
№ 0005195 - *«Истиқбол» уюшмаси (Хоразм вилоят, Гурлан тумани)*
№ 0005203, 0005204 - *"Умид" МЧЖ (Жиззах ш.)*
№0005118 - *"Чорбакир" ишлаб-чиқариш ОТҲЖ (Бухоро вилояти, Бухоро тумани).*
№№ 0004846, 0004847 - *"СПМК-407" (Самарқанд вилояти, Оқтош ш.)*
№0005093 - *Туманлараро улгуржи-савдо универсал базаси Каттақўрғон автокорхонаси (Самарқанд вилояти, Каттақўрғон ш.)*
№№ 0005157, 0005158 - *"Самарқандмрамор" ОҲЖ (Самарқанд ш.)*
№0005484, 0005485 - *"Ғузалкентский МТП" ДАЖ (Самарқанд вилояти, Ғузалкент тумани)*
№0005474 - *"Ўзагрокимётаъминот" ОТҲЖ (Самарқанд вилояти,Оқтош ш.)*

ЛИЦЕНЗИЯНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ ТЎХТАТИЛДИ:

№№ 0003247, 0003248 - *"Бухаранефтезаводстрой" ОТҲЖ (Бухоро вилояти)*
№ 0001780, 0001781 - *"Узстройтранс" уюшмасига қарашли 17-автокорхона ОТҲЖ (Самарқанд вилояти)*
№№ 0001654, 0001655 - *"Авто-Кафолат" МЧЖ (Тошкент ш.)*
№№ 0005151, 0005152 - *"Паркентсувқурилиш" трестнинг "СМУ ПГС" шўъба корхонаси (Тошкент вилояти,Паркент тумани)*
№ 0005353 - *"Бунёдкор" ОҲЖ Қашқадарё вилоят қурилиш участкаси (Қашқадарё вилояти,Қарши ш.)*
№№ 0005326, 0005327 - *"Автосанкомплект" ОҲЖ "Ўзавтосаноат" уюшмаси (Тошкент ш.)*
№№ 0005249, 0005250, 0005251 - *"Ўзбекгидрогеология" гидрогеология давлат корхонаси (Тошкент ш.)*
№№ 0004655, 0004656 - *"Асабай" ХФ (Тошкент ш.)*
№№ 0004292, 0004293 - *"Ташсельмаш" ОТҲЖ (Тошкент ш.)*
№№ 0004727,0004728 - *"Андижон автомобил ўқув ва ишлаб-чиқариш комбинати" МЧЖ (Андижон ш.)*
№№ 0004762, 0004763 - *"Ғабус-Бутлаш" шўъба корхонаси (Тошкент ш.)*
№№ 0004259, 0005260 - *"Об Ҳаёт- Биллур" МЧЖ (Тошкент ш.)*
№№ 0005071, 0005072 - *"Назар" ишлаб-чиқариш тижорат фирмаси (Нукус ш.)*
№ 0005089 - *"Моваруннаҳр" МЧЖ (Бухоро ш.)*
№№ 0005206, 0005207 - *"Аль Фарғоний Автохизмат" ЖК (Фарғона вилояти,Учкўприк тумани*
№ 0005031 - *Урганч шаҳар шахсий йўловчи ташувчилар уюшмаси (Урганч ш.)*
№№ 0004900, 0004901 - *"Садоқат" ширкати (Урганч ш.)*
№ 0004852 - *"NST-VAYAJ" МЧЖ (Тошкент ш.)*
№ 0004894 - *"Роҳат" хусусий кичик корхонаси (Сирдарё вилояти,Гулистон тумани)*
№ 0004523 - *"Нур" ишлаб-чиқариш тижорат фирмаси (Қорақалпоғистон республикаси,Қонликўл тумани).*
№№ 0004921, 0004922, 0004923, 0004924, 0004925 - *Соғлиқни сақлаш вазирлиги медицина-санитария бирлашмасининг марказий автобазаси (Тошкент ш.)*
№ 0004720 - *"Нодира" хусусий савдо ишлаб-чиқариш фирмаси (Андижон вилояти, Булоқбоши тумани)*
№ 0004886, 0004887 - *"Сарбон" ОТҲЖ (Тошкент ш.)*
№ 0004959, 0004960 - *"Султонбобо" ишлаб-чиқариш тижорат фирмаси (Урганч ш.)*
№ 0004815 - *"Термиз паррандачилик фабрикаси" ОТҲЖ (Сурхандарё вилояти,Термиз тумани)*
№ 0004882 - *"Искандар Дўстов" номли жамоа жўжалиги (Хоразм вилояти,Боғот тумани)*
№ 0005038 - *"Экспресс-Авто" уюшмаси (Хоразм вилояти,Урганч тумани)*
№ 0005223 - *"Асҳад" хусусий ишлаб-чиқариш фирмаси (Фарғона вилояти,Қўқон ш.)*
№№ 0005078, 0005079, 0005080, 0005081, 0005082, 0005622 - *Самарқанд шаҳар шахсий автомобилчи тарбиркорлар жамияти (Самарқанд ш.)*
№ 0005319 - *"Ҳилол Сервис" МЧЖ (Тошкент вилояти,Қуйи Чирчиқ тумани,Дўстобод ш.)*
№ 0004878 - *"Меҳригиё-98" хусусий савдо ишлаб-чиқариш фирмаси (Фарғона вилояти,Қўқон ш.)*
№№ 0005342, 0005343, 0005344 - *"Марғилон Наргиз Дилором" автохизмат корхонаси (Фарғона вилояти,Марғилон ш.)*
№ 0005156 - *"Йўловчи" автоташувчилар уюшмаси (Хоразм вилояти,Хонқа ш.)*
№№ 0004776, 0004777, 0004778, 0004779, 0004780 - *Ўзтелерадиокомпаниянинг "Махсус автокорхона"си (Тошкент ш.)*
№ 0005033 - *"Дўстлик" хусусий фирмаси (Хоразм вилояти,Урганч тумани)*
№№ 0005144, 0005145, 0005146 - *"Агротаъминот -Б.С." ОҲЖ (Тошкент ш.)*
№ 0003782 - *"Денов вино ароқ" АЖ (Сурхондарё вилояти,Денов ш.)*
№ 0004938 - *Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари олийгоҳи. (Тошкент ш.)*

3437